

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ**

DSc.29.12.2018.V.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БАЙКУЛОВ АЗИМ КЕНЖАЕВИЧ

**ХИТОЗАН ТАЪСИРИНИНГ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТЕРМИК
КУЙИШДАГИ МОЛЕКУЛЯР МЕХАНИЗМЛАРИ**

03.00.01 – Биокимё

**биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

УДК: 577.15:616.3:613.2.616.089.617.5.616.15.615.38.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Байкулов Азим Кенжаевич

Хитозан таъсирининг экспериментал термик куйишдаги молекуляр
механизмлари 3

Байкулов Азим Кенжаевич

Молекулярные механизмы действия хитозана при
экспериментальном термическом ожоге 21

Baykulov Azim Kenjaevich

Molecular mechanisms of the action chitosan under experimental termal
burn..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of pulished works 42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ
DSc.29.12.2018.V.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БАЙКУЛОВ АЗИМ КЕНЖАЕВИЧ

**ХИТОЗАН ТАЪСИРИНИНГ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТЕРМИК
КУЙИШДАГИ МОЛЕКУЛЯР МЕХАНИЗМЛАРИ**

03.00.01 – Биокимё

**биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/В234 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.ibb.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Иноятова Феруза Хидоятовна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Носиржон Мухамеджанович
биология фанлари доктори, профессор

Эргашова Мукаррам Журабаевна
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти хузуридаги DSc.29.12.2018.В.01.13 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «16» 10 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси 174 уй. Тел.: (99871) 246-68-96.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги Биофизика ва биокимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси 174 уй. Тел.: (99871) 246-68-96, e-mail: ibb-nuu@mail.ru.

Диссертация автореферати 2019 йил «27» 09 кун тарқатилди.

(2019 йил « » даги № рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

Сабилов Равшан Заирович
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Асраров Музаффар Исламович
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий илмий котиби, б.ф.д., профессор

Шеримбетов Санжар Гулмирзаевич
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги. Ҳозирги кунда дунё миқёсида куйиш ва куйиш касаллиги барча жароҳатларнинг катта қисмини ташкил этиб, ўлим даражаси, айниқса токсемия ва септикотоксинемия босқичида, юқори бўлиб қолмоқда. Куйишнинг ўткир токсемия босқичида ўлимнинг асосий сабабларидан бири йирингли–септик яллиғланиш асоратларини метаболик бузилишлар ва микроорганизмлар жадал кўпайиши ҳисобига кучли эндоген интоксикация билан биргаликда ривожланишидир. Улар ўлимга олиб келувчи омиллар ичида биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Бунда эрта сепсис ривожланиш ҳавфи жароҳатнинг чуқурлиги билан узвий боғлиқ бўлиб, тери юзаси жароҳатланганда эрта сепсис ривожланиш ҳавфи юқори бўлади. Замонавий комбустиология соҳасини жадал ривожланиши ва янги замонавий усулларни куйиш касаллигида қўлланилишига қарамасдан, беморларнинг кўпчилигида ногиронлик кузатилиб, натижада ижтимоий ҳамда иқтисодий ҳолатни оғирлашишига олиб келади. Тиббиётда арзон, токсик хусусиятларга эга бўлмаган, импорт ўрнини босувчи ва самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий табиий маҳсулотлардан олинган яра битказувчи дори воситаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш катта аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида ҳозирги кунда комбустиологияда қўлланиладиган дори воситалар шикастланган жойда эпителийнинг репаратив регенерациясини фаоллаштиришга қаратилган илмий изланишларга катта эътибор берилган. Улар асосида биосинтетик ва синтетик қоплама ҳосил қилувчи табиий бирикмалар яратилган бўлиб, улар эпителизация жараёнини жадаллаштиришга олиб келган. Бундай бирикмалардан ипак қурти ғумбагидан олинган хитозаннинг регенератив хоссалари юқорилиги туфайли, унинг маҳаллий дори воситаси сифатида қўлланилишига имкон берган. Шунинг учун гел композициялари асосида комплекс терапевтик таъсирга эга бўлган самарали яра битказувчи дори воситаларини яратиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада жароҳатланишнинг турли босқичларида мос келувчи биоқопламаларни яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолини маҳаллий хом ашёлари асосида олинган арзон ва юқори сифатли дори-дармон ва импорт ўрнини босувчи дори воситалар билан таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-ўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» юзасидан муҳим вазифалар белгиланган¹. Бу борада, маҳаллий хом ашёлар асосида фаоллиги чет эл аналогларидан қолишмайдиган янги дори воситаларини яратиш ҳисобига

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

аҳолини арзон фармацевтика маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижлик олимлар томонидан куйиш касаллигининг молекуляр механизмлари, репаратив регенерация жараёнларини фаоллаштирувчи турли хил дори воситалар яратиш, шу жумладан хитозан ҳосилаларини яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган, уларни биологик фаоллиги аниқланган. Ушбу соҳадаги тадқиқотлар хорижий олимлар Nailong Zhang (Япония), Jyotiranjan Roul (Ҳиндистон), Rui-Lin Ding, Wei Zhang (Хитой), S. Lanctft (Канада), Dong-Won Oh (Корея), Ibrahim El-Sherbiny (Миср) томонидан жадал ривожлантирилган.

МДҲ мамлакатларида куйиш ва сепсисда ҳужайраларнинг программалаштирилган ўлими, интерлейкинлар ген экспрессиясини ортиши, каспаза 8 ген экспрессиясига нисбатан тез содир бўлиши, тери ишемияси эса остки тўқималар деструкциясини ошириш қонуниятлари Т.М. Ушаков, В.П. Аксенов, П.А. Федоров ва бошқалар томонидан ўрганилган. Куйиш жароҳатини маҳаллий даволаш препаратлари кўп бўлишига қарамасдан, ушбу жароҳатини даволашда бир қатор ноқулайликлар бўлганлиги учун янги турдаги универсал ва комплексли дори воситаларини ишлатиш ва янги даволаш усуллари ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Сўнгги йилларда табиий биологик парчаланадиган бирикмаларга, хусусан, хитозан ва унинг ҳосилаларига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Н.В. Лозбина, И.Н. Большаков, В. Лазаренко, С.Н. Куликов, П.А. Федосов, О.М.Довгилева, С.Ф. Антонов томонидан қисқичбақадан олинган хитозан ва унинг ҳосилаларини яратиш ва турли хилдаги патологик ҳолатларда қўллаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Бизнинг юртимизда Полимерлар кимёси ва физикаси институтида С.Ш. Рашидова раҳбарлигида хитозаннинг турли металл ва наноҳосиласи ишлаб чиқилмоқда. Хитозан яллиғланиш ва микробларга қарши таъсир кўрсатиб, организмнинг иммунологик реактивлигини ошириш, гиполипидемик ва гипокоагулянт хусусиятлари аниқланган. Бироқ, хитозаннинг репаратив регенераторлик таъсир механизми, токсикологик хусусиятлари бўйича

тадқиқотлар олиб борилмаган. Бундай тадқиқотлар янги дори воситаларини ишлаб чиқиш ва самарали даволашни йўлга қўйиш учун жуда муҳим ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институти, Тошкент тиббиёт академияси илмий тадқиқот ишлари режасини АДСС 28.8 «Куйиш жароҳатларини тиклашда хитозан ҳосилаларини яратиш ва оптимал қўллаш усулларини ишлаб чиқиш» (2012-2014) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади экспериментал термик куйиш жароҳатида тери хужайралари репаратив регенерациясига хитозан ҳосилалари билан коррекциясининг молекуляр механизмларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

in vitro шароитида бактериофаг λ ДНКсидан фойдаланиб, маҳаллий ҳом ашёдан олинган янги энг самарали хитозан препаратини танлаш учун, интакт ва жароҳатланган тери соҳаси хужайралари ДНКсининг специфик қисмлари билан хитозанни боғланиш даражасини аниқлаш;

терининг термик жароҳатида тери хужайраларида нуклеосомаларо деградацияси олдини олишда, репликация ва транскрипция жараёнларини тиклашда хитозан ҳосилаларининг самаралигини баҳолаш;

термик жароҳат динамикасида эндоген интоксикация ва липопероксидация даражасига хитозан ҳосилаларининг таъсирини баҳолаш;

терини III даражали куйишда хитозаннинг гелли ҳосилаларини шикастланган ўчоқда эпителизация тезлиги, регенерация коэффициенти ва морфологиясига таъсирини баҳолаш;

хитозаннинг фурацилин билан комбинацияси препаратини клиник олди таҳлилий тадқиқотларини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Полимерлар кимёси ва физикаси институти ходимларининг пилла қурти қобиғидан олинган янги хитозаннинг фурацилин билан комплекс препарати, терининг термик жароҳати моделлаштирилган каламушлар, клиник олди тадқиқотлар учун экспериментал ҳайвонлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида хитозаннинг фурацилин билан комбинацияси репаратив хусусиятларини аниқлаш учун терининг ультраюпка кесимлари, планиметрияси, эпителий хужайралари, ҳайвонларнинг қони ва қон зардоби олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида белгиланган вазифаларга мос ҳолда *in vitro* ва *in vivo* шароитидаги замонавий молекуляр, биокимёвий, морфологик, планиметрик, токсикологик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор куйишдан зарарланган эпителийни тиклашда *Bombyx mori* дан олинган хитозаннинг фурацилин билан комбинацияси гел шаклининг қўлланилиши юқори самарадорлиги исботланган;

хитозан ҳосилалари нуклеосомалараро деградацияни пасайтиришида, ДНКнинг специфик қисмлари билан боғланиши аниқланган, уларнинг боғланиш константалари ҳисоблаб чиқилган, репликация ва транскрипция жараёнларини жадаллашиши аниқланган;

термик жароҳатни даволашда хитозанни фурацилин билан комбинациясининг антиоксидант ва антитоксик хусусиятлари исботланган;

хитозан ҳосилаларининг токсик, алергик, сенсibiliзацияловчи, эмбриотоксик ва тератоген хусусиятлари йўқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

куйган тери касаллигини даволаш учун муқобил усул сифатида маҳаллий ҳом ашёдан олинган хитозан+фурацилин ҳосилаларидан фойдаланиш афзаллиги исботланган;

хитозан ҳосилаларининг термик жароҳатни даволаш учун қўллаш усулини тадбиқ этилиши репаратив жараёнларни муқобиллаштириб, чандиқлар ҳосил бўлишини камайтириши исботланган;

*Bombyx mori*дан олинган хитозан ҳосилаларининг репаратив регенерацияни кучайтирувчи дори воситаси сифатида даволашда фойдаланиши, чет эл аналогларидан устунлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги статистик ишлов учун ҳайвонлар ва таҳлиллар миқдорининг етарлилиги, адекват усулларнинг қўлланилганлиги, бирламчи информацияни олиш ва қайта ишлаш учун кўп экспериментларда синалган усулларни қўлланилганлиги ва олинган натижаларни бошқа мавжуд натижалар билан солиштирилганлигига асосланган. Олинган натижалар мавжуд маълумотларга зид эмас. Натижаларни статистик ишловида Excel ҳамда OriginPro7,5 (OriginLab Corporation, АҚШ) дастурлар пакети қўлланилган. Назорат ва тажриба гуруҳидаги каламушлар ўртасидаги фарқ аниқланганда Стьюдент муқаррарлик коэффициенти (t) ва фарқларнинг ишончилилик кўрсаткичи (P) аниқланган. Олинган натижаларнинг ишончилиги мутахассислар баҳолари ва уларнинг республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокамаси тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *in vitro* шароитида тут ипак қурти ғумбагидан олинган хитозан ҳосилаларининг бактериофаг λ ДНК молекуласининг Hind III рестриктаза таъсиридан ҳосил бўлган *ori-*, *int-* ва *xis-* фрагментлари, ДНК синтези, кесилиши ва интеграцияси учун жавоб берадиган қисмлар билан боғланиш хусусияти; куйган тери хужайраларида нуклеосомалараро деградацияни пасайиши, ДНК ва РНК синтезини ошиши, эпителизация тезлашуви ва регенерация жараёнлари фаоллашуви; морфологик текширувларда қон томирларига бой грануляцион тўқима ҳосил бўлиши; эрта содир бўладиган эпителизация очик жароҳат соҳасини ёпиб, сепсис, токсемия ва липопероксидация даражасини пасайиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти куйиш жароҳатларини даволашда хитозанни фурацилин билан комплекси самарадорлиги асосланди,

бу комплекснинг токсик, кумулятив, аллергик, эмбриотоксик ва тератоген хусусиялари йўқлиги исботланди, дори воситаларнинг токсикологик таснифи бўйича токсик хусусияти сует бўлган моддалар синфига (IV синф) кириши исботланди. Олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси Дори воситалар ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасига бу бирикмани тақдим этиш учун асос бўлади. Ушбу дори воситасини клиник амалиётга жорий этиш тери жароҳатларини даволаш самарадорлигини ошириши, сарф-харажатларни камайтириши ва импортни камайтирувчи хусусиятига эга эканлиги билан изоҳланади. Импорт ўрнини босувчи ушбу препаратнинг яратилиши Республикада дори воситаларини маҳаллийлаштириш дастурини бажаришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Яра битказувчи препарат ва унинг таъсир механизмини ёритиш ҳамда токсикологик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Куйишни хитозан ҳосилалари асосида даволаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 17 сентябрдаги 8н-з/150 сон маълумотномаси). Натижада хитозаннинг гел шаклини, антимиқроб, жароҳатни тезкор битказувчи хусусияти, шикастланган жойга суртилишида парда ҳосил қилиб, ярада йирингланишни олдини олиш имконини берган;

хитозан ҳосилаларининг репаратив регенерацияни фаоллаштирувчи хусусиятлари ва яра ўчоғини тез битиши бўйича олинган натижалар асосида Тошкент тиббиёт академиясида ва Тошкент фармацевтика институтида лаборатория ҳайвонларида экспериментал термик жароҳатни моделлаштиришнинг осон варианты жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 17 сентябрдаги 8н-з/150 сон маълумотномаси). Натижада куйиш касаллиги чақирилган экспериментал ҳайвонларда *Bombyx mori* дан олинган хитозаннинг фурацилинли комплексини маҳаллий қўллаш жароҳатни тез ва чандиксиз битиши ҳамда асоратларни камайиши имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 илмий мақола, 7 та Республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек 1 та услубий кўрсатма тасдиқланган ва чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий этиш асослари келтирилган, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Термик жароҳатда тери ва унинг ҳосилаларидаги бузилишларининг молекуляр механизмлари ҳамда уларни коррекциялаш усуллари**» деб номланган биринчи бобида ушбу тиббий муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича адабиётларда мавжуд маълумотлар таҳлил қилинган ва термик куйишлар патогенезининг замонавий тасаввури, уни даволаш тамоиллари, хитозаннинг тиббиётда қўллаш ҳақида адабиёт манбалар тизимлаштирилган, муаммонинг очилмаган ва аниқлаштиришни талаб этувчи жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг «**Терини термик жароҳатлаш модели, даволаш йуллари ва молекуляр механизмларини ўрганиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланилган материалларнинг умумий тавсифи батафсил ёритиб берилган. Хитозан препаратлари намунаси Полимерлар кимёси ва физикаси институти катта илмий ҳодими кимё фанлари номзоди Р.Ю. Милушевадан олинган. Ишда *Bombyx mori* дан олинган хитозан гели ишлатилиб, глутар альдегиди билан тикилган ва фурацилин билан тўйинтирилаган. Уни тўйинтиришда сувда эритилган фурацилин кукунидан фойдаланилган. Гель ҳосил бўлиш жараёнида тўрсимон структураси шаклланиб, занжирлар конформацион ҳолатига қараб турли хилдаги тирқишлар ҳосил бўлган. Бўктирилган намунанинг қуритилиши тикилган хитозан таркибида 0,5% фурацилин тутишини кўрсатди. Стандартлаш азотга нисбатан ўтказилган, синтезланган хитозан TSh 88.2-13:2004 талабларига мос келди.

Тажрибалар вазни 140-160 гр. бўлган 120 зотсиз эркак каламушларда олиб борилган, улар озуқалантиришнинг стандарт шароитида сақланган. Тажрибалар «Тажриба ва бошқа илмий мақсадларда фойдаланиладиган умуртқали ҳайвонларни муҳофаза қилиш Европа конвенцияси»га мувофиқ ўтказилди (Страсбург, 1985). Куйиш жароҳати депиляцияланган бел қисми соҳасини қайнаётган сувга 10 сек давомида ботириш орқали чақирилган (Богатова ва б., 2005), жароҳат майдони 12-15 см² (18-20%) ташкил этган. Тадқиқотда ўлим даражаси 8,18% ташкил этган. Назорат сифатида жароҳатланмаган ҳайвон терисидан фойдаланилган.

Тадқиқот уч босқичда ўтказилган. Биринчи босқичда *in vitro* шароитда ДНК рестрикцияси ва рестрикция фрагментларининг хитозан ҳосилалари билан боғланиши ўрганилган. Бунда термик куйиш чақирилган 10 та каламушда тажрибанинг 3-чи суткасида жароҳатланган тўқима олиниб,

ундан ёввойи турдаги бактериофаг λ ДНКси ва HindIII, BamHI, EcoRI рестриктазалари («СибЭнзим» фирмаси) ёрдамида ДНК ажратиб олинган. Тадқиқотлар учун хитозаннинг 4 хилдаги ҳосилаларидан фойдаланилган: 1) хитозан сукцинат, 2) наноструктур хитозан сукцинат, 3) хитозан аскорбат, 4) наноструктур хитозан аскорбат. Тадқиқотларнинг иккинчи босқичида хитозан ҳосилаларининг терини термик жароҳатдан кейинги регенерациясига *in vivo* шароитидаги таъсири ўрганилган. Бунда термик жароҳат етказилгандан икки соат ўтгандан сўнг, каламушлар тўрт гуруҳга ажратилган: 1-чи гуруҳга (25 каламуш) – хитозан (ХЗ), 2% сирка кислотаси, глутар альдегиди (ГА) ва фурацилин (ФЦ); 2-чи гуруҳ (25 каламуш) – ХЗ, 2% сирка кислотаси ва ГА; 3-чи гуруҳ (25 каламуш) – левомеколь («Нижфарм»); 4-чи гуруҳ (25 каламуш) – физиологик эритма (плацебо) билан даволанган. Бешинчи гуруҳда интакт каламушлар қолдирилган. Икки соатдан сўнг жароҳатланган ўчоқ водород пероксид билан ювиб ташланган ва препаратлар бир маротаба жароҳат жойига маҳаллий суртма кўринишида, тана вазнига 1 мг/кг миқдорида қўлланилган. Тадқиқотлар даволанишнинг 3, 7 ва 10 суткаларида ўтказилган. Ҳар бир гуруҳдан 6-7 ҳайвон енгил эфир наркози остида декапитация қилинган, уларнинг қони ва жароҳотланган тери қисми таҳлил учун олинган. Тажрибанинг учинчи босқичида хитозан препаратининг клиник олди токсикологик хусусиятлари ўрганилган (Хабриев, 2005).

Молекуляр тадқиқотлар Биокимё институти молекуляр тадқиқотлар лабораториясида б.ф.д. Д.А. Кадирова раҳбарлигида амалга оширилган. Морфологик тадқиқотлар Самарқанд тиббиёт институтида, биокимёвий ва токсикологик тадқиқотлар Тошкент тиббиёт академияси марказий илмий тадқиқот лабораториясида ўтказилган. Молекуляр тадқиқотларда юқори молекуляр ДНК ажратиб олиш, уни HindIII, BamHI, EcoRI рестриктазалари ёрдамида рестрикциялаш; ДНК гидролизи маҳсулотларини 1,5% агарозадаги электрофорези; ДНК рестрикцион фрагментларини хитозан билан боғланиши даражаси аниқланган (Maniatis, Fritsch ва Sambrook, 1982). Нуклеин кислоталар синтезини ўрганишда ^3H -тимидин ва ^{14}C -уридин киритилиши даражаси «Beckman» аппаратида 1 мин. импульслар миқдorigа қараб ўлчанган. Қондаги малон диальдегиди (МДА) (Андреева ва б., 1988), ўрта ўлчамли молекулалар (ЎЎМ) (Габриэлян ва б., 1982), эритроцитларнинг сорбцион хусусиятлари (ЭСХ) (Тогайбаев ва б., 1988) аниқланган. Қон зардоби альбуминлари, тимол синамаси, билирубин миқдори ва ферментлар активлиги «Human» (Германия) фирмасининг автоматлаштирилган биокимёвий Human комбайнида махсус реактив ва биотест, дастурлар тўплами ёрдамида ўлчанган. Тери намуналарнинг гистологик таҳлили ёруғлик микроскопияси усулида анъанавий усуллар асосида ўтказилган.

Маълумотларнинг статистик ишланмаси умум қабул қилинган усул бўйича амалга оширилган. Натижаларни статистик ишловида Excel ҳамда OriginPro7,5 (OriginLab Corporation, АҚШ) дастурлар пакети қўлланилган. Назорат ва тажриба гуруҳидаги каламушлар ўртасидаги фарқ аниқланганда

Стьюдент муқаррарлик коэффициенти (t) ва фарқларнинг ишончлилик кўрсаткичи (P) аниқланган.

Диссертациянинг «Тери ҳужайраларининг термик шикастланишида хитозан таъсирининг молекуляр механизмлари» деб номланган учинчи бобида экспериментал куйиш жароҳатида хитозаннинг фурацилинли комбинацияси самарали таъсир натижалари келтирилган. Куйиш жароҳати етказилгандан биринчи суткада каламушларда ўткир куйиш касаллиги белгилари: ҳолсизлик, адинамия, хансираш, полидипсия ва полиурия кузатилган. Учинчи суткада жароҳат устки қисмида некротик қават ривожланган. 1-чи гуруҳда даволаш жараёнида экспериментал ҳайвонлар аҳволи бирмунча меёрлашиб, фаоллиги ва иштаҳаси яхшиланиб борган. Шунга ўхшаш натижалар 2-чи ва 3-чи гуруҳларда ҳам кузатилди, бироқ интоксикация белгилари намоён бўлаверган. 4-чи гуруҳда интоксикация белгилари узоқ муддат сақланиб, ҳайвонларнинг умумий аҳволи ёмонлашган, йирингли-септик яллиғланиш белгилари намоён бўлган. Назорат гуруҳида жароҳат соҳасининг инфекциян яллиғланиши кузатилиб, яралар ҳосил бўлган. Вақт ўтиши билан жароҳат майдони 1,3-1,5 маротаба кенгайган, некроз белгилари намоён бўлган. 1-чи ва 2-чи гуруҳ каламушларида жароҳатнинг мугузланган қавати остида бир маромдаги тикланиш жараёни бошланиб, яллиғланишнинг кенгайиши кузатилмаган, 3-чи гуруҳ ҳайвонларида эса яллиғланиш белгилари сақланиб қолган. Тадқиқот гуруҳларида жароҳат майдонининг қисқаришини таҳлили 1-чи гуруҳда кучли намоён бўлганлигини кўрсатилган (1-жадвал). 2-чи ва 3-чи гуруҳларда препаратлар бир хил таъсир кўрсатган, 4-чи гуруҳда эса регенерация қолган гуруҳларга нисбатан сустр кечаётгани кузатилган. Буни биз яраларнинг битиш тезлиги динамикасида ҳам кузатдик. Жумладан, 1-чи гуруҳда жароҳат майдони 10-чи суткада $14,08 \pm 0,66 \text{ см}^2$ дан $9,47 \pm 0,41 \text{ см}^2$ гача, 2-чи гуруҳда $13,26 \pm 0,65 \text{ см}^2$ дан $10,90 \pm 0,52 \text{ см}^2$ гача қисқарган, 3-чи ва 4-чи гуруҳларда бу кўрсаткич катталигича сақланиб қолган.

Энг юқори пролифератив фаоллик 1-чи гуруҳ ҳайвонларида кузатилиб, уларда препаратнинг регенераторлик хусусияти узоқ муддатларгача сақланиб қолган. 3 ва 7-чи суткаларда бу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан 4,5 ($P < 0,001$) ва 4 ($P < 0,001$) маротаба; солиштириш гуруҳига нисбатан эса 2,5 ($P < 0,05$) ва 1,4 ($P < 0,05$) маротаба юқори бўлган. 1-чи гуруҳ ҳайвонларида жароҳатни тикланиш тезлиги ҳисобланганда 3-чи ва 7-чи суткаларда шиддатли ўсиб бориши, 10-чи суткага келиб бироз пасайганини кўрсатган. Битиш тезлиги 3-чи суткада назорат гуруҳига нисбатан 3-5 ($P < 0,001$) маротаба, 7-чи суткага келиб 4 ($P < 0,001$) марта юқори бўлган. Бу регенерация коэффициентини таҳлил қилишда ҳам исботланган. Айниқса 1-чи гуруҳ ҳайвонларида бу кўрсаткич энг юқори бўлган. 2-чи ва 3-чи гуруҳларда репарация жараёнлари пастроқ бўлган, чунки битиш тезлиги ва регенерация коэффициенти кўрсаткичлари бир мунча ортда қолган. Уларнинг энг паст кўрсаткичлари 4-чи гуруҳда қайд этилган.

Жароҳат майдонининг қисқариш динамикаси, $M \pm m$, $n=7-8$

Гуруҳлар	Жароҳат майдони (см ²)			
	1-чи сутка	3-чи сутка	7-чи сутка	10-чи сутка
1	14,08±0,66	13,67±0,62	11,33±0,65	9,47±0,41*
2	13,26±0,65	13,13±0,66	11,10±0,63	10,90±0,52*
3	12,92±0,46	12,79±0,47	11,70±0,39	10,53±0,56
4	12,33±0,31	12,25±0,30	11,84±0,43	10,80±0,17

Изоҳ* - биринчи сутка кўрсаткичларига нисбатан ишончлилик ($P < 0,05$).


Куйиш жароҳатини спонтан битишида (4-чи гуруҳ) ўтказилган морфологик текширувларда эпидермис ва дерманинг коагуляцион некрози ҳосил бўлишини, коллаген толаларнинг парчаланиши, эпидермиснинг некрози, унинг мугуз ва грануляцион қаватларининг десквамацияси аниқланган ва бундай ўзгаришлар тажрибанинг 10-суткасида ҳам сақланиб қолган. 1-чи гуруҳ ҳайвонларида жароҳатланган ўчоқнинг эрта регенерацияси кузатилиб, янги ҳосил бўлаётган грануляцион тўқима ва дерманинг барча қаватларида қон томирлар ҳосил бўлиши кузатилган, бундай ўзгаришлар тери регенерацияси мукамал кечаётганлигидан далолат беради. 2-чи гуруҳ ҳайвонларида ҳам эпителий регенерацияси жадаллашуви, базал қатламнинг баъзи қисмларида хужайралар дифференцировкаси ва кучли васкуляризацияси аниқланган. Левомеколни маҳаллий қўллашда шикастланган ўчоқнинг 1-чи ва 2-чи гуруҳларга нисбатан суст бўлиб, эпидермис остида лимфоцитлар, лейкоцитлар, гистиоцитлар инфильтрацияси аниқланган. Тажрибанинг 10-чи суткасида ҳам тери қатламларининг фаол регенерацияси билан бир вақтда ўчоқли десквамация кузатилган.

Шундай қилиб, тери куйишда хитозан гели, айниқса унинг таркибига фурацилин киритилганида, зарарланган ўчоқда регенерация тезлиги ва коэффицентини ошириб, жароҳатланган тери юзасини битишига олиб келган. Балки дори воситасининг таркибидаги фурацилин бактерицид таъсир этиб, ярани йиринглардан эрта тозаланиши ҳисобига регенерацияни жадаллашишига олиб келгандир. Баъзи олимларнинг фикрича, шикастланмаган хужайраларда хитозан таъсирида репаратив регенерацияни кучайиши ядродаги ДНК молекуласини хитозан билан боғланиши ҳисобига бўлиши мумкин (Lu et al., 2008). Табиий полисахарид хитозан ва унинг ҳосилалари фибробластлар пролиферациясини фаоллаштиради ва тери регенерациясини меёрлаштиради. Иккинчи томондан, хитин ҳосилалари терининг глюкозаминларига структур жиҳатдан ўхшашдир ва кератиноцитлар ва фибробластлар ўсиши учун асос бўлиб хизмат қилади (Антонов и др., 2008).

Шунинг учун хитозаннинг репаратив жараёнларга ижобий таъсири молекуляр механизмларини ўрганиш мақсадида молекуляр тадқиқотлар

ўтказилган. Рестрикция натижаларининг таҳлили 4 турдаги хитозан ҳосилалари *in vitro* тажрибаларда бактериофаг λ Hind III рестриктазасининг таъсирида ҳосил бўлган ДНК фрагментлари билан танлаб боғланиши фарқланишини кўрсатди. *In vitro* шароитида Hind III ферменти таъсирида бактериофаг λ ДНК парчаланишидан ҳосил бўлган фрагментлар билан боғланиш даражаси ва компатизацияси 4 турдаги хитозан молекулаларида турлича эканлиги аниқланган. Бунга параллел вариантларда Eco RI ва Bam HI ферментлари таъсирдан ҳосил бўлган ДНК фрагментлари билан ХЗ боғланишида фарқ сезиларли эмаслиги исботланган. Энг юқори боғланиши хитозаннинг сукцинатли ҳосиласида кузатилган. Шунинг учун айнан шу намуна билан III даражали куйган тери атрофида сақланиб қолган хужайралари ДНК фрагментлари билан боғланиши текширилган. Интакт ДНК ва унинг хитозан сукцинат билан комплексида электрофоретик ҳаракатчанлиги ДНК концентрациясига ва фрагментацияланишига боғлиқлиги аниқланган. Куйган ўчоқдаги хужайраларнинг ДНК намуналарига хитозан сукцинат киритилганда ҳам ДНК фрагментларининг концентрацияси камайиши қайд этилган. Олинган натижалар хитозан сукцинат таъсирида ДНКнинг майда парчаланган фрагментларини 50-70% боғланиши ва фрагментларнинг камайишидан далолат беради.

In vivo тажрибаларида терининг III даражали куйишининг 3-чи суткада жароҳатланган ўчоқдаги хужайралар ДНК нуклеосомалари кучли фрагментацияланганлиги, ДНК молекуласининг майда бўлақларга бўлиниши кузатилиб, қўлланилган препаратлар орасида фарқ кузатилмаган (расм 1).



Ўўлар: М – маркер, 1, 14 – интакт λ фаги ДНКаси; 2, 6, 10 –ХЗ-1; 3, 7, 11 – ХЗ-2; 4, 8, 12 – левомеколь; 5, 9, 13 – даволанмаган гурух; 15 – соғом ҳайвонлар тери хужайраси ажратиб олинган ДНК (меёр).

Расм 1. Интакт ва III даражали тери куйишининг 3чи кунда теридан тери хужайралари ДНКсининг нуклеосомалар аро деградацияси.

Тажрибанинг 7-чи суткасида ДНК фрагментацияси 30-40% 3-чи сутка кўрсаткичларига нисбатан камайган, аммо ижобий натижаларни назорат гуруҳида кузатилмаган. Солиштирма таҳлилда ДНК фрагментацияси 1-чи

гуруҳда 20-30% пасайган. 7-чи суткада ДНК нуклеосомалараро деградацияси 3-чи суткага нисбатан пастлиги кузатилган. 1-чи ва 2-чи гуруҳларда 90% ва 80% пасайган. 3-чи ва 4-чи гуруҳларда бу кўрсаткич бир бирига яқин бўлган.

Олинган натижалар хитозанда ДНК нуклеосомалараро деградациясини олдини олиш ва фрагментацияга учраган ДНК молекулалари билан боғланиш хусусияти борлигини кўрсатилган. Унинг бундай хусусияти хужайраларнинг ядро аппаратида репаратив жараёнларни жадаллашишига ва тери эпителийсининг регенерацияси кучайишига олиб келган.

Ҳақиқатдан ҳам, термик жароҳатнинг дастлабки муддатларда ³Н-тимидин ва ¹⁴С-уридиннинг ДНК ва РНК синтезида кўшилиши юқорилиги аниқланган (2-жадвал). Кейинчалик бу жараёнлар секинлашуви қайд этилган ва тадқиқотнинг 10-чи суткасида бу кўрсаткичлар 25,5±0,28 ва 20,0±0,35%ни ташкил этган. Куйган ўчоқни ХЗ+ФЦ билан даволашнинг 3-чи, 7-чи ва 10-чи суткаларида ³Н-тимидиннинг ДНК молекуласига кўшилиши 52; 72 ва 94% ни ташкил этган. Хитозанни фурацилинсиз қўлланилганда ³Н-тимидинни ДНК молекуласига киритилиши 3-чи, 7-чи ва 10-чи суткаларда 45,8; 60,4 ва 88,2% ташкил этган. Левомеколь қўлланилган гуруҳларда нишонланган ³Н-тимидинни ДНК молекуласига киритилиши юқорида қайд этилган муддатларда 40; 58,8 ва 75,5% ташкил этган, бу 1-чи ва 2-чи гуруҳлар кўрсаткичларига нисбатан суст бўлди. Энг паст натижалар 4-чи гуруҳда қайд этилиб 48; 27,8 ва 25,5% ташкил қилган.

2-жадвал

III даражали кўйишида тери хужайраларига ДНК синтезида ³Н-тимидин ва РНК синтезида ¹⁴С-уридин киритилишига хитозан хосилаларининг таъсири,
M±m, n=10

Кунлар	Изотопларнинг киритилиши, интакт гуруҳга нисбатан %							
	Хитозан – 1		Хитозан – 2		Левомеколь		Назорат	
	³ Н-тимидин	¹⁴ С-уридин	³ Н-тимидин	¹⁴ С-уридин	³ Н-тимидин	¹⁴ С-уридин	³ Н-тимидин	¹⁴ С-уридин
3	52,0± 0,39	40,0± 0,34	45,8± 0,18	38,0± 0,28	40,0± 0,33	32,0± 0,21	48,0± 0,35	35,0± 0,37
7	72,0± 0,59*	67,2± 0,26*	60,4± 0,45*	57,4± 0,25*	58,8± 0,16*	50,0± 0,10*	27,8± 0,33	23,4± 0,18
10	94,0± 0,32*	90,0± 0,37*	88,2± 0,47*	80,0± 0,32*	75,5± 0,21*	70,0± 0,24*	25,5± 0,28	20,0± 0,35

Изоҳ* - назорат гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончлилиқ (P<0,01).

Нишонланган ¹⁴С-уридинни РНК молекуласига киритилишини баҳолаш энг юқори кўрсаткичлар 1-чи ва 2-чи гуруҳларда кузатилган: 3-чи суткада – 40 ва 38%, 7-чи суткада – 67,2 ва 57,4%, 10-чи суткада – 90 ва 80%ни ташкил этган. 3-чи гуруҳда оксил синтези тезлиги хитозанни фурацилин билан ёки ўзини қўлланилган гуруҳларга нисбатан сустроқ бўлиб,

юқорида қайд этилган муддатларда 32; 50 ва 70% ташкил қилган. 4-чи гуруҳда эса бу кўрсаткичлар атиги 35; 27 ва 20% ташкил қилган.

Шундай қилиб, термик жароҳатланган ўчоқдаги шикастланмаган тери хужайраларида репликация ва транскрипция жараёнлари сусайган. Левомеколни қўллаш бу жараёнларни бир мунча жадаллаштирган. ДНК ва РНК синтезининг жадал кечиши хитозан ва, айниқса, уни фурацилин билан биргаликда қўлланилганида кузатилган.

Олинган ижобий натижаларни исботлаш мақсадида нишонланган тимидин ва уридин киритилганидан сўнг биз ажратиб олинган ДНК молекуласини 1,5% агароза гелида электрофорез ўтказилган. Ўтказилган тадқиқотлар 1-чи гуруҳ ҳайвонларида тажрибанинг 3, 7 ва 10 суткасида ДНК молекуласи натив структурасининг тикланиши кузатилган, бу тажрибанинг 10чи суткасида яққол кузатилган. 2-чи гуруҳ каламушларида тажрибанинг 3-чи суткасида ДНК ва РНК синтезида бузилишлари ва электрофореграммада кўплаб майда фрагментларга бўлинган ДНК ва РНК молекулалари аниқланган, 7-чи ва 10-чи суткаларига келиб қисман тикланиши кузатилган. Левомекол қўлланилганида шикастланган ўчоқда ДНК ва РНК синтези суст кечаётганлиги кузатилган. Демак, куйиш жароҳатларини битишида ХЗ+Ф комплекси самаралидир.

Терининг термик куйиш жароҳатини даволашда хитозан ҳосилаларининг самарадорлиги гиперлипипероксидация ва эндотоксинемияни сезиларли пасайишида ҳам ўз исботини топган. Жумладан, 1-чи гуруҳ ҳайвонлар қон плазмасида МДА миқдори тажрибанинг 3; 7 ва 10 кунларида 4-чи гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишонарли 41,6; 60,2 ва 64,4% пасайган. 2-чи гуруҳда бу пасайиш 55,3; 58,4 ва 59,4% ташкил этган, 3-чи гуруҳда эса МДА миқдорининг камайиши тажрибанинг 7- ва 10 суткаларида 24,1 ва 55,9% ташкил этган (3-жадвал).

3-жадвал

Экспериментал термик куйишни даволашда қон плазмасида МДА миқдорининг (нмоль/мл) ўзгариши, $M \pm m$

Гуруҳлар	3-чи сутка	7-чи сутка	10-чи сутка
Интакт гуруҳ	5,68±0,45		
Назорат гуруҳ	18,39±1,04	14,77±1,08 ^а	10,88±0,93 ^а
1-чи гуруҳ	10,56±0,84 ^{а,б,в}	7,15±0,46 ^{а,б,в}	6,29±0,43 ^{б,в}
2-чи гуруҳ	11,74±0,73 ^{а,б,в}	7,54±0,52 ^{а,б,в}	7,21±0,46 ^{а,б}
3-чи гуруҳ	16,29±0,80 ^а	12,62±0,76 ^а	8,15±0,93 ^а

Изоҳ: * ишончлилик $P < 0,05$: а – интактга нисбатан, б – назоратга нисбатан, в – левомекол гуруҳига нисбатан.

Бундан ташқари эндоген интоксикация кўрсаткичларида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилган. Жумладан, 1-чи гуруҳ ҳайвонларида тажрибанинг 3-чи суткасида ЭСХ юқориликча сақланиб қолган бўлса, 7 ва 10-чи

суткаларда меёрий кўрсаткичларга яқинлашган. 2-чи гуруҳ хайвонларида 7-чи суткага келиб ЭСХ назорат гуруҳига нисбатан 19,9%, 10-чи суткада эса 40,1% пасайган. 3-чи гуруҳда ҳам назорат гуруҳига нисбатан кўрсаткичлар қисман яхшиланган. Шу билан бирга 1-чи гуруҳ хайвонлар қон плазмасида тажрибанинг 3, 7, 10-чи суткаларида назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ЎММлар миқдори 10,4; 41,3 ва 57,4% пасайган бўлса 2- ва 3-чи гуруҳ хайвонлари кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар сустроқ бўлган (4-жадвал).

4-жадвал

Экспериментал хайвонларда эндоген интоксикация кўрсаткичлари динамикаси, $M \pm m$

Гуруҳлар	3-чи сутка	7-чи сутка	10-чи сутка
Интакт	$\frac{46,89 \pm 1,68}{0,157 \pm 0,002}$		
Нazorат гуруҳ	$\frac{93,84 \pm 1,13^a}{0,278 \pm 0,024^a}$	$\frac{90,84 \pm 0,12^a}{0,261 \pm 0,018^a}$	$\frac{85,03 \pm 1,23^a}{0,255 \pm 0,013^a}$
1-чи гуруҳ	$\frac{84,54 \pm 1,72^a}{0,211 \pm 0,016^{a,b}}$	$\frac{68,66 \pm 2,28^{a,b}}{0,166 \pm 0,010^{b,b}}$	$\frac{56,84 \pm 1,86^{b,b}}{0,149 \pm 0,011^{b,b}}$
2-чи гуруҳ	$\frac{88,38 \pm 1,15^a}{0,223 \pm 0,017^{a,b}}$	$\frac{85,89 \pm 0,65^a}{0,222 \pm 0,012^{a,b}}$	$\frac{65,35 \pm 2,62^{a,b}}{0,169 \pm 0,012^b}$
3-чи гуруҳ	$\frac{91,34 \pm 1,68^a}{0,276 \pm 0,019^a}$	$\frac{89,44 \pm 1,68^a}{0,245 \pm 0,016^a}$	$\frac{77,73 \pm 2,85^a}{0,175 \pm 0,011^{a,b}}$

Изоҳ: 1) суратда ЭСХ (%), маҳражда – ЎУМ (бирликда); 2) ишончлилик $P < 0,05$: а – интактга нисбатан, б – назоратга нисбатан, в – левомеколь гуруҳига нисбатан.

Терининг термик куйишини ХЗ+Ф билан даволашда тимол синамаси, қондаги билирубин ва умумий оксил кўрсаткичлари интакт хайвонлар кўрсаткичларига яқинлашди, хитозанни ва левомеколни қўллашда эса бундай ижобий ўзгаришлар сустроқ намоён бўлди.

Олинган натижаларга асосланиб биз терини термик куйишида фурацилинли хитозан гели билан даволаш усулини ишлаб чиқдик ва таъсир механизмини қуйдаги алгоритм бўйича тушунтирамиз (2-расм). Бу усул қуйдагича амалга оширилади: некротик моддаланган тозаланган жароҳат юзасига стерил шароитда хитозан гелининг фурацилинли хосиласи суртилади. У бактерияларни ўтказмайдиган қаватни хосил қилади, бу эса шикастланган ўчоқда регенератор жараёнларни жадаллаштиради. Бунинг натижасида шикастланган ўчоқнинг регенерацияси жадаллаштириб, қон плазмасида биокимёвий кўрсаткичларни меъёрлашишига олиб келади ва, бизнинг фикримизча, яхши ижобий башоратловчи хусусиятидан далолат беради. Жароҳатланган ўчоқнинг некрозли моддалардан тез тозаланиши ДНК молекуласини нуклеосомалар аро деградациясини олдини олади, репликация ва транскрипция жараёнларини жадаллаштиради. *Bombux mori* дан ажратиб олинган фурацилинли хитозанни қўлланилишида олинган ижобий силжишлар шикастланган ўчоқни эрта эпителизациясига, экспериментал

хайвонлар организмда эндоген интоксикация даражасини ва эркин радикалли жараёнларни сусайишига олиб келади.



2-расм. Фурацилинли хитозаннинг жароҳатланган терини битишида таъсир механизми.

Шундай қилиб, олинган натижаларнинг таҳлили хитозаннинг фурацилинли гелини термик жароҳатни даволашда ижобий натижалар кўрсатди ва биз томондан ишлаб чиқилган бу усул комбустиология амалиётига тезкорлик билан киритилишини тақозо этади.

Диссертациянинг «**Фурацилинли хитозан препаратининг клиник олди экспериментал текширувлари**» деб номланган тўртинчи бобида «Фурацилинли хитозан» препаратнинг икки хилдаги шаклини (кукун ва гел) токсикологик тафсифи келтирилган. Препаратнинг максимал дозаси 1000 мг/кг ва абсолют-ўлим миқдори 5000 мг/кг, ўртача ўлим дозаси (ЛД₅₀) кукун учун – 3300 (3353÷3246,96) мг/кг ва гел шакли учун 3120 (3165,9÷3074,1) мг/кг ташкил этган, яъни дори воситаларнинг токсикологик таснифига кўра IV ва V синфларига киради. Ўтказилган токсикологик, физиологик ва биокимёвий комплекс текширувлар «Фурацилинли хитозан» препаратини ошқозонга кўп маротаба 100 мг/кг, 50 мг/кг ва 10 мг/кг миқдорида юборилганида ҳайвонлар организмга салбий таъсири ва кумулятив, терирезорбтив, маҳаллий-кўзғатувчи ва анафилактик хусусиятлари аниқланмаган.

«Фурацилинли хитозан» препаратини 100 мг/кг ва 10 мг/кг дозаларда хомиладор ҳайвонларга хомиладорликнинг 8-9 кунларида юборилганда ҳомилани макроскопик текширувлари тажрибавий ҳайвонларда ташқи кўриниши, тана вазнида ва кранио–каудал ўлчамларда назорат гуруҳи

хомилалари кўрсаткичларига нисбатан ўзгаришлар аниқланмади. Тажрибавий ҳайвонлар хомилаларининг ички аъзолари текширувдан ўтказилганида ҳам фарқлар аниқланмади. Хомилалар скелетининг қовурғалар сони, метатарзал ва метакарпал суякларининг суякланиш марказлари тузилиши тажриба ва назорат ҳайвонлари гуруҳларида фарқланмади. ХЗ+ФЦ гели ва кукунини тажрибавий ҳайвонларнинг репродуктив функциясини ўрганилганда препаратни туғиш муддатига ва репродуктив функциясига таъсири аниқланмади.

Шундай қилиб «Фурацилинли хитозан» препаратини ҳайвонлар организмига салбий таъсири ва кумулятив, тери-резорбтив, маҳаллий-кўзғатувчи ва анафилактик, репродуктив функцияга салбий таъсири, эмбриотоксик ва тератоген хусусиятлари аниқланмаган.

ХУЛОСАЛАР

«Хитозан таъсирининг экспериментал термик куйишдаги молекуляр механизмлари» мавзудаги биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясида ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидагилар хулоса қилинади:

1. *in vitro* тажрибаларида хитозан ҳосилалари ДНК молекуласи билан боғланиш хусусиятига эга бўлиб, бу ДНК репарация ва тери регенерация жараёнларини кучайтиради. Энг самарали хитозаннинг сукцинатли ҳосиласидир.

2. Терининг термик жароҳатида эпителий ҳужайраларида нуклеосомаларо деградация тезлашади. Левомеколь билан даволанган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан тери жароҳатини ХЗ-1 ва ХЗ-2 даволаш нуклеосомаларо деградациясини самарали камайтиради, айниқса тажрибанинг 10-чи кунида.

3. Эпителий ҳужайраларида нишонланган ³Н-тимидинни ДНК молекуласига киритилиш тезлиги ХЗ-1 таъсирида тажрибанинг 3, 7 ва 10 суткаларида 52; 72 ва 94% ташкил этди, бу левомеколь ва, айниқса тажрибанинг 10-чи суткасида даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан юқори. Левомеколь билан даволанган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ¹⁴С-уридинни РНК молекуласига қўшилиш тезлиги ХЗ-1 таъсирида 1,25; 1,34 ва 1,3 маротаба юқори бўлди ва генлар экспрессиясидан далолат берди.

4. Терининг термик жароҳатини хитозан билан даволаш, левомеколь қўлланилган гуруҳга нисбатан юқори эндоген интоксикация ва гиперлипเปอร์оксидация кўрсаткичларини пасайтиради, қоннинг биокимёвий кўрсаткичларини меъёрлаштиради.

5. Термик куйиш билан жароҳатланган каламуш терисининг битиш тезлиги текширув вақти ва фойдаланилган препаратга боғлиқ. Хитозан ҳосилалари, айниқса фурацилинли ҳосиласи, регенерация тезлиги ва коэффицентини ошириб, жароҳатни эрта битишини таъминлади.

6. Фурацилинли хитозан препаратининг кукун ва гел шакллари дори воситаларнинг токсикологик таснифига кўра IV ва V синфларига киради,

унинг ҳайвонлар организмига салбий таъсири ва кумулятив, тери-резорбтив, маҳаллий-қўзғатувчи ва анафилактик, хусусиятлари аниқланмади, репродуктив функцияга салбий таъсири, эмбриотоксик ва тератоген хусусиятлари йўқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.29.12.2018. В. 01.13 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИОФИЗИКИ И
БИОХИМИИ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
ИНСТИТУТ**

БАЙКУЛОВ АЗИМ КЕНЖАЕВИЧ

**МОЛЕКУЛЯРНЫЕ МЕХАНИЗМЫ ДЕЙСТВИЯ ХИТОЗАНА ПРИ
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОМ ТЕРМИЧЕСКОМ ОЖОГЕ**

03.00.01 – Биохимия

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации (PhD) доктора философии по биологическим наукам**

Ташкент – 2019

Тема диссертации (PhD) доктора философии по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.4.PhD /B234.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета www.ibb.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Иноятова Феруза Хидоятовна**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Юлдашев Носиржон Мухаммеджанович**
доктор биологических наук, профессор


Эргашова Мукаррам Журабаевна
доктор биологических наук, профессор

Ведущая организация **Ташкентский фармацевтический институт**

Защита диссертации состоится « 16 » 10 2019 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного Совета DSc.29.12.2018.B.01.13 при Институте биофизики и биохимии при Национальном университете Узбекистана. Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, улица Университетская, 174. Тел.: (99871) 246-68-96.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биофизики и биохимии при Национальном Университете Узбекистана (зарегистрированно под № 7). Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, улица Университетская, 174. Тел.: (99871) 246-68-96, e-mail: ibb-nuu.uz@mail.ru.

Автореферат диссертации разослан « 27 » 09 2019 года.
(Реестр протокола рассылки № _____ от « _____ » _____ 2019 года).



Сабиров Равшан Заирович
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., академик

Асраров Музаффар Исламович
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор

Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич
Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению ученой степеней, д.б.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире ожоги и ожоговая болезнь составляют большое количество всех травм, а летальность остается высокой, особенно в стадиях токсемии и септикотоксинемии. Основными причинами летальности в стадии острой ожоговой токсемии являются гнойно-септические осложнения в сочетании с эндогенной интоксикацией метаболического и микробного происхождения. Они прочно удерживают первое место среди причин летальности. При этом риск развития раннего сепсиса повышается, особенно при глубоких ожогах на поверхности тела. Несмотря на огромный опыт лечения ожогов в комбустиологии, большая масса пострадавших становятся инвалидами, поэтому они представляют серьезную медицинскую и социальную проблему. Внедрение в медицинскую практику дешевых, импортозамещающих, не обладающих побочными действиями эффективных ранозаживляющих препаратов из местного сырья имеет большое значение.

В мировом масштабе в комбустиологии проводятся ряд научных исследований по созданию и использованию препаратов, стимулирующих процессы репаративной регенерации в эпителиоцитах поврежденного очага. В этом отношении актуальным является разработка и внедрение в клиническую практику биосинтетических и синтетических плёночных покрытий, которые усиливают эпителизацию. Среди них высоким регенеративным свойством обладает хитозан, выделенный из кокон шелкопряда, из-за этого свойства его возможно применять в качестве местного лекарственного средства. В связи с этим проводятся научные исследования по созданию ранозаживляющих гелевых композиций, обладающих высокой терапевтической эффективностью. Создание плёнок, специально предназначенных в той или иной фазе ожога, является актуальной задачей.

В нашей стране за годы независимости осуществлены широкомасштабные мероприятия по обеспечению населения дешевыми высококачественными, импортозамещающими лекарственными препаратами на основе местного сырья. В 4-ом направлении «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» определены важные задачи по «развитию фармацевтической промышленности, а также улучшение обеспечения населения и медицинских учреждений дешевыми, качественными лекарственными препаратами»¹. В частности, удовлетворение потребности населения фармацевтической продукцией путем создания новых лекарственных препаратов из местного сырья, по активности не уступающих зарубежным аналогам.

Диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлением Президента

¹Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «Стратегия действий Республики Узбекистан»

Республики Узбекистан ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Указом Президента УП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию оказания квалифицированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Зарубежными учеными исследовались молекулярные механизмы ожоговой болезни, создание различных лекарственных средств, активизирующих процессы репаративной регенерации, в частности, по созданию производных хитозана, установлены их биологическая активность. Исследования в данном направлении активно развивались зарубежными учеными: Nailong Zhang (Япония), Jyotiranjana Roul (Индия), Rui-Lin Ding, Wei Zhang (Китай), S. Lanctft (Канада), Dong-Won Oh (Корея), Ibrahim El-Sherbiny (Египет).

В странах СНГ Т.М. Ушаковым, В.П. Аксеновым, П.А. Федоровым и другими проводились исследования по изучению запрограммированной смерти клеток при ожогах и сепсисе, установлено опережающее повышение экспрессии гена интерлейкинов по сравнению с геном каспазы 8, усугубление деструкции глублежащих тканей под действием ишемии кожи при крайне тяжелых ожогах. Несмотря на обилие препаратов для местного лечения ожогов, эффективность их применения зачастую остается неудовлетворительной. Поэтому продолжают поиск новых универсальных, действующих комплексно препаратов, и исследования по совершенствованию методов лечения тяжелых ожогов. В последние годы уделяется большое внимание природным биodeградирующим соединениям, в частности, хитозану и его производным. Так, Н.В. Лозбиной, И.Н. Большаковым, В. Лазаренко, С.Н. Куликовым, П.А. Федосовым, О.М. Довгилевой, С.Ф. Антоновым проводились научные изыскания по выделению хитозана из раков, созданию различных его производных и применению их при различных патологических состояниях.

